

ЧОРВАЧИЛИКДА БИОФИЗИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ахроров Маъруфжон Насимжонович

Самарқанд Давлат тиббиёт университети

akhrorov81@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонлари организмининг функционал ҳолатини эрта баҳолаши, уларнинг келгуси наслчилик ва маҳсулдорлигини башорат қилишининг тегишили, ишончли, ўта сезгир усулларини ишлаб чиқиши соҳамизнинг энг муҳим вазифалари бўлиб қолмоқда.

Самарали ва экологик тоза қўйчиликни йўлга қўйиш учун қўйлар ратсионида яйлов озуқасининг улушини сезиларли дараҷсада ошириши, турли шароитларда ем-хашак экинларини етишишишининг кўплаб янги технологик жараёнларини ишлаб чиқиши зарур.

Кўпинча истеъмолчилар учун хавфли бўлиб қоладиган маҳсулдорликни ошириши (янги зотларни яратиш) ёки маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатиш (озик моддалар, биологик қўшишмалар, гормонлар, антибиотиклар киритиш) учун технологик усулларни яратиш учун кўп ишлар талаб этилади. Табиий фанларнинг ривожланиши, техника ва инструментал ютуқларнинг ривожланиши билан физик омилларнинг, айниқса электромагнит нурланишининг тирик тўқима, тана, система, алоҳида аъзолар, тўқима, ҳужайра ва молекуляр миқёсдаги таъсир механизmlарини ўрганиши имконияти пайдо бўлди.

Калит сўзлар: қоракўл зоти, яйлов, экстремал шароит, гўшт, биофизика, атроф-муҳит, омиллар, паст интенсивлик, лазер нурланиши, иммун ҳолати, табиий қаршилик, T- ва В-лимфоцитлар.

ANNOTATION

Early assessment of the functional status of the organism of farm animals, the development of appropriate, reliable, highly sensitive methods to predict their future breeding and productivity remains the most important challenges of our industry.

In order to achieve efficient and environmentally friendly sheep breeding, it is necessary to significantly increase the share of pasture fodder in the diet of sheep, to develop many new technological processes of growing fodder crops in different conditions.

It often takes many years to create technological methods to increase productivity (create new breeds) or negatively affect product quality (introduction of nutrients, biological additives, hormones, antibiotics), which remains dangerous for consumers. With the development of the natural sciences, technical and instrumental advances, it became possible to study the mechanisms of action of physical factors, especially electromagnetic radiation, on living tissue, body, system, individual organs, tissue, cell and molecular scale.

Key words: qarakul breed, pasture, extreme conditions, meat, biophysics, environmental, factors, low intensity, laser radiation, immune status, natural resistance, T- and V-lymphocytes.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари организмининг функционал ҳолатини эрта ёшда баҳолаш, уларнинг келажақдаги наслчилик ва маҳсулдорлигини олдиндан билиш учун мос келувчи, ишончли, ўта сезигир усувларни ишлаб чиқиш бизнинг соҳамизнинг энг муҳим муаммолари бўлиб қолмоқда.

Самарали ва экологик тоза қўй гўшти етиштиришга эришиши учун, қўйларнинг озиқланиш рационидаги яйлов ем-хашак улуши сезиларли даражада ортишига, турли шароитларда озукабоб ўсимликларни етиштиришнинг қўплаб янги технологик жараёнларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳсулдорликни оширишнинг технологик усувларини яратиш учун кўпинча узоқ йиллар талаб этилади (янги зотларни яратиш) ёки маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади (озуқага, биологик қўшимчалар, гормонлар, антибиотикларни киритиш), бу эса истеъмолчилар учун хавфли бўлиб қолади. Табиий фанларнинг ривожланиши, техника ва асбобсозлик ютуқлари билан, тирик тўқималарга физикавий омилларнинг, хусусан электромагнит нурланишнинг тури танланиши, тана, тизим, айрим аъзолар, тўқима, хужайра ва молекуляр миқёсдаги таъсир механизmlарини ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Ветеринария тиббиётида лазер нурланишнинг ҳайвонлар организмига таъсири тўлиқ ўрганилмаган. Сўнгги йилларда чорвачиликда ҳам илмий изланувчилар лазер нурланишининг баъзи хусусиятларида фойдаланиб келмоқдалар.

Лазер нурланишининг энг муҳим жиҳатлари: когерентлигидир-бунда нурланиш бир вақтда атомлар томонидан бир хил фазада юзага келади; монохроматикилиги-нурланиш бир хил тебраниш частотасига эга бўлади; юқори энергияга зичлигига эга эканлиги, аниқ йўналишга эгалиги, ингичка нурлар дастасини ҳосил қилиш мумкинлиги нурланишни бошқариш имконияти мавжудлиги-барча соҳаларда жумладан, фан ва тиббиётда ҳам жуда кенг миқёсда кўлланилмоқда.

Паст интенсивликдаги лазерлар тиббиётда ва ветеринариядаги терапевтик мақсадларда энг кўп кўлланилади. Уларнинг қуввати шундай танланадики, ҳатто иссиқлик таъсири ҳам сезилмайди, организмнинг тери тўқималарига зарар етказмайди, лекин ҳайратланарли даражада таъсир кўрсатиб, тўқималарга 5-7 см чуқурликкача кириб боради. Бундай хусусиятга фақат паст интенсивликлар эгадир. Мақбул (оптималь) лазер мосламаси танага хос (оптималь) частота диапазонини "танлаш" имконини организмнинг ўзига беради, яъни электромагнит тебранишлар "сузувчи" тартибда татарқатилганда, организм ўзи учун талаб қилинадиган диапазонни "танлайди".

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, паст интенсивликдаги лазер нурланиши, сезгириликни оширувчи таъсирга, қоннинг ҳаракатини барқарорлаштириш ва сўрилишини, шунингдек кенг кўламли фотофизик ва фотокимёвий ўзгаришларини келтириб чиқаради.

“Лазер” атамаси инглиз тилида “Light Amplification by Stimulated Emission of radition” сўзларининг бош ҳарфларидан олинган бўлиб таржима қилинганда “Мажбурий нурланиш орақали ёруғликни кучайтириш” деган маънони англатади. Лазер- маълум бир модданинг атомларини ташки ёруғлик манбаи орқали уйғонган ҳолатига ўтишига эришилгандан ҳосил бўлган ёруғлик манбаи ҳисобланади. Ушбу атомлар ташки электромагнит нурланиш таъсирида дастлабки ҳолатга ўтганда, ёруғликнинг мажбурий нурланиши содир бўлади.

Олинадиган натижалар таъсир интенсивлигига боғлиқ бўлади. Ветеренария тиббиётида лазер нурланишидан фойдаланишда асосан 3 хил усулдан фойдаланилад. Усуллардан фойдаланишда объектнинг хажми ёки патологик турига қараб танланади.

1. Ўзаро алоқа (контакт) усули-нурлатгични объектга теккизиб ёки терига бир оз куч билан босилади (нурнинг чуқурроқ кириб бориши ва камроқ қайтиши ва сочилиши учун). Ушбу усул билан кичик юзалар орқали максимал интенсивликдаги энергия оқиб ўтишига эришиш мумкин.

2. Барқарор усул-ушбу усул учун нурлатгич таъсир соҳасига ҳаракатланмайдиган ҳолатда мустаҳкам ўрнатилади ва бир минутдан кам бўлмаган вақт мобайнида объект нурлантирилади.

3. Барқарор бўлмаган(нотурғун) усулида–нурлатгич таъсир соҳаси бўйлаб юргизилади.

Бундан фарқли равишда сканерлаш усули мавжуд бўлиб, нурлатгичнинг ҳаракати маълум вақт оралиғида узлуксиз равишда бажарилади ва квазисканерлаш (сканерлашдан кўра самаралироқ) усулида “сакраб-сакраб” ҳаракат бажарилиб, ҳар бир ишлов бериш нуқтасида 15-30 сониягача ушлаб турилади. Юқорида айтиб ўтилган муаллифларнинг фикрига кўра, нотурғун усул

катта миқдордаги зарар етган соҳаларга ёки минимал интенсивликни таъминлаш учун ишлатилади.

Лазер нурининг танага таъсирини турли катталиклар: нурланишнинг тўлқин узунлиги, интенсивлиги, дозаси, монохроматиклиги орқали кузатиш мумкин. Лазер нурланишининг тўқималарга узвий таъсири нурланишнинг тўлқин узунлиги, интенсивлиги ва дозасига боғлиқ бўлади. Нурланишнинг фотобиологик жараёнини нейрогуморал боғланишдаги ўзига хос ўзгаришлар юзага келтириб, гомеостазнинг нормаллашишини организмни тез мослашиш механизмини таъминлайди.

Лазер нурланишининг озиқаларни хазм бўлиш жараёнида ва терапевтик мақсадлардаги таъсирини ветеринария тиббиётида ҳамда фермер хўжалиги чорвачилигига кенг миқиёсда қўллаш мумкин. Шу жумладан иқтисодиётни ривожлатиришда табиий тоза, хавфсиз ва маҳсулдорлиги юқори бўлган чорвачиликда, паррандачиликда, чўчқачиликда ҳамда қишлоқ хўжалиги саноатида қўлланиладиган биофизик усул энг оптималь усул ҳисобланади.

Паст интенсивликдаги лазер нурланишлари турли хил ҳайвонлар организмига турличп таъсир кўрсатади. Бу нурланишларнинг авфзалликлари ҳам шунда мужассамланган, лазер нурларининг тўлқин узунлиги ва интенсивлик диапазонини ветеренария ва зоотехнияда амалда қўллаш учун кенг имкониятлар яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдраманов, Б.М. Влияние низкоинтенсивного лазерного излучения на суточную динамику натрия (Na) в рубце овец, при разной технике и кратности их кормления / Б.М. Абдраманов, А.А. Айдаралиев, Н.С. Абдулдаева // Universum: химия и биология: электрон.научн. журн. – 2017. – № 4 (34). – Режим доступа: <http://7universum.com>
2. Абилов, Б.Т. Эффективность выращивания молодняка мясо-шерстных овец на откорме с применением БМВД с повышенным содержанием растительного белка / Б.Т. Абилов // Научно-практический электронный журнал Аллея Науки. – 2018. – № 8 (24). – Режим доступа: Alley-science.ru[http://docviewer.yandex.ru\(27.12.2018\)](http://docviewer.yandex.ru(27.12.2018)).
3. Абонеев, В.В. Возрастные особенности морфологического состава крови молодняка овец разных генотипов в онтогенезе / В.В. Абонеев, Л.Н. Скорых, С.Н. Шумаенко // Овцы, козы, шерстяное дело. – 2015. – № 2. – С. 41-42.
4. Алексеев, Ю.В. Воздействие фотодинамического и светокислородного эффектов на ультраструктуру различных популяций лейкоцитов / Ю.В. Алексеев, Т.Г. Бархина, А.В. Иванов, Е.В. Давыдов, М.И. Ковалев, А.М. Ковалева // Лазерная медицина. – 2018. – Т. 22. – № 2. – С. 29-35.
5. Арипов У.Х., Омонов М. Биологические и продуктивные особенности каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа. Вестник аграрный науки Узбекистан. №1. 2020 г.